

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

В. Э. УМАРАЛИЕВ

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИГА КИРИТИЛГАН
ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2016

Т а қ р и з ч и л а р :

Юристар малакасини ошириш маркази фуқаровий-ҳуқуқий фанлар кафедраси профессори юридик фанлар доктори **И. И. Насриев**

ИИВ Академияси маъмурий ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси
Н. А. Қўлдошев

Умаралиев В. Э.

У - 47 Меҳнат қонунчилигига киритилган янги ҳуқуқий нормалар:
Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси, 2016. – 32 б.

Қўлланмада фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини кафолатлаш борасида охириги йилларда республикада амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар таҳлил қилинган бўлиб, ўқувчиларга меҳнат қонунчилигининг ривожланиш динамикасини кузатиш, амалдаги меҳнат қонунчилигига киритилган охириги ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида маълумотга эга бўлиш имконини беради.

ИИВ Академияси тингловчи ва курсантларига мўлжалланган.

ББК 67.99(5У)7я73

КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди ва бу жараён доимий равишда тадрижий давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий давлат ҳамда янги фуқаролик жамияти қуриш негизи бўлган беш тамойил ўзини тўлиқ оқлади. Улардан келиб чиқиб, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» миллий ғояси ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилмоқда.

Фуқаролик жамиятининг мустаҳкам иқтисодий замини яратилиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти такомиллаштирилмоқда, суд-ҳуқуқ тизими, оммавий ахборот воситалари, маданий-маърифий соҳаларда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Республика иқтисодиётининг барқарор тараққий этиб бораётгани аҳоли турмуш даражасининг ошишига, ижтимоий меҳнат соҳасидаги бир қатор муаммоларнинг муваффақиятли ҳал этилишига кенг имкониятлар яратмоқда. Хусусан, замонавий, малакали ишчи кучига бўлган талабни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини кенгайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этилмоқда.

Энг кам иш ҳақи ва ижтимоий ҳимоя бўйича тегишли тўловлар миқдори мунтазам равишда оширилиб, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар камайтириляпти. Бюджет соҳаси ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш на уларни рағбатлантиришнинг янги

мезонлари ишлаб чиқилиб, такомиллаштирилган тизимлар жорий қилинмоқда.

Ушбу қўлланма республика миқёсида охириги йилларда фуқароларнинг ижтимоий меҳнат ҳуқуқларини кафолатлаш борасида амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотларнинг ўзига хос таҳлили бўлиб, ўқувчиларга меҳнат қонунчилигининг ривожланишини кузатиш ҳамда амалдаги меҳнатга оид қонунларга киритилган охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан танишиш имконини беради.

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА КИРИТИЛГАН ЯНГИ НОРМАЛАР

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигида охириги йилларда кенг миқёсдаги тизимли ислоҳотлар амалга оширилди.

Меҳнат муносабатларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва меҳнат соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш жараёнларининг ижобий натижаси ижтимоий йўналтирилган миллий сиёсатнинг тўғри йўналишда эканидан далолат беради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, кўпинча қабул қилинаётган қонунлар, унга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ишламаяпти. Бунинг сабаби, биринчидан, ушбу қонунларда улардаги нормаларни амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилмагани, иккинчидан, мазкур қонунларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган тегишли қонуности ҳужжатлари чиқарилмаётганида бўлиб, уларсиз бу қонунларда белгиланган қоидалар умуман ишламаётганини англаб олишимиз даркор.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги» қонун нормалари такомиллаштирилди. Иш ҳақининг энг кам миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасининг биринчи разряди учун назарда тутилган миқдорда белгиланди. Ишсиз деб эътироф этиш, мақбул келадиган ва мақбул келмайдиган иш асослари аниқлаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги 1998 йил 1 май 616-1-сонли қонунининг 2-4, 7, 9¹, 10, 13, 16–18, 22 ва 27-моддаларига Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги 355-сонли қонуни билан муҳим амалий ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, мазкур Қонуннинг 2-моддаси янги матндаги 4-банд билан тўлдирилди. Унга кўра, эндиликда қуйидагилар иш билан таъминланган ҳисобланади:

1) ёлланиб ишлаётган, ишни тўлиқсиз иш вақтида иш жойида ёки уйда бажараётган, шунингдек, ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан, вақтинчалик ишга эга бўлганлар;

2) бетоблиги, таътилдалиги, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака оширишда эканлиги, ишлаб чиқариш тўхтаб қолганлиги муносабати билан, вақтинча иш жойида бўлмаганида ходимнинг иш жойи қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойи бўлмаганлар;

3) ўзини иш билан мустақил таъминлаётган, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган хунармандлар, оилавий корхона иштирокчилари, деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш кооперативларининг аъзолари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқалар; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати кўшинларида ва уларнинг органларида хизмат ўтаётган, муқобил хизматни ўтаётганлар шулар жумласига киради.

Алоҳида тоифадаги шахслар жумласига кирувчи шахслар – судьялик лавозимида сайланган ёки тайинланган ходимлар, ҳомиладор, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юр்தларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилар учун ишга жойлашиш ва улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича қўшимча қафолатлар белгиланди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларига соҳада қонун талабларини бажармаганлик учун жавобгарлик асослари мустаҳкамланди. Тараққиётнинг миллий дастурига ҳамоҳанг руҳда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат концепцияси доирасида бир қатор ислохотлар амалга ошириляпти. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2014 йил 4 декабрь) қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисидаги» қонунининг 5-моддасига (кичик тадбиркорлик субъектларига) ўзгартиш киритилиб, микрофирма ва кичик корхона ходимларининг белгиланган ўртача йиллик сонини кўпи билан 50 фоизга ошириб юборган тақ-

дирда ходимлар сонини ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун уларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар, қафолатлар ва ҳуқуқлар сақлаб қолиниши белгиланди. Илгари бу кўрсаткич фақат 20%ни ташкил этар эди.

Ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари ўқишни тугаллаган кунидан бошлаб кўпи билан уч йил ўтган тақдирдагина йўл қўйилади. Енгил ва озиқ-овқат саноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебел, қурилиш материаллари саноати, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 100 кишини ташкил этган кичик бизнес субъектлари учун қўшимча 50 нафар битирувчини ёки машинасозлик, металлургия, ёнилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш, қурилиш ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан 50 кишини ташкил этган кичик бизнес субъектлари учун эса қўшимча 25 нафар битирувчини ишга жойлаштириш ва қонунда белгиланган имтиёзларни сақлаб қолиш имкони яратилди.

Эътиборлиси, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддаси (қатъий белгиланган солиқни якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартибига) киритилган ўзгартишлар сабабли касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари коллежни тамомлаганларидан кейин 12 ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилди.

Бироқ, якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб 12 ой ичида фаолият тугатилган тақдирда қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўлиқ тўланишини ҳам назарда тутиш лозим. Мана шундай ҳолат вужудга келган тақдирда тегишли қонун нормаларига аниқлик киритиш зарурати юзага келади. Чунки, тадбиркорлик фао-

лияти 12 ой ичида тугатилишининг сабабини аниқлаш ва унга ҳуқуқий баҳо бериш уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун жуда муҳим. Яъни, тадбиркорлик субъектининг хоҳиши биланми, банкротлик сабаблими ёки суд қарорига асосанми деган саволлар туғилганда унинг қонуний ечими амалдаги қонун ҳужжатларида аниқ кўрсатилиши лозим.

Солиқ тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида Кодекснинг 308-моддасидаги имтиёзларга киритилган ўзгартишларга кўра, ёш мутахассисларга олий таълим муассасасини тамомлаганидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган нафақаларга ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳисобланмаслиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги 379-сонли «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунига асосан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 26-моддасига ўзгартиш киритилиб, 2015 йилнинг 1 январидан пенсияларнинг базавий миқдори ўзгартирилди.

Илгари белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи эндиликда ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги қайд этилди. Жумладан, ёшга доир пенсия миқдори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг 1,95 баравари миқдорида белгиланади.

Тўлиқсиз иш стажидан пенсия миқдори ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдорига нисбатан ҳисоблаш орқали аниқланиб, унга кўра, ёшга доир пенсия – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи, I гуруҳ ногиронлиги бўйича пенсия миқдори – 100, II гуруҳ ногиронлиги бўйича пенсия миқдори – 50, боқувчисини йўқотганлик учун оиланинг ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз аъзоси учун тайинланадиган пенсия – 50, ота-онасининг ҳар иккаласини йўқотган бола (чин етим) учун боқувчисини йўқотганлик пенсияси – энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида белгиланди.

Қонунга киритилган ўзгартишларга кўра, пенсия масаласида мурожаат қилган шахсларга қонунда I гуруҳ ногиронлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи ёки II гуруҳ ногиронлари учун

Энг кам ойлик иш ҳақининг 125 фоизи миқдорида белгиланган устама билан бир қаторда, ҳарбий хизмат ёки ички ишлар органларидаги хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ пайтда вафот этган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналарига ва қайта никоҳдан ўтмаган бева хотинларига (бева эрларига) энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида устама белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга хизматларига қараб энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан 150 фоизигача устама белгиланади. Ёшидан қатъи назар, имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга артистларга энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида устама ҳақ белгиланган.

Театр-концерт ташкилотларининг артистлари ва бадиий ходимларига, театр ва мусиқа санъати ижодий ходимларини тайёрловчи таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерларига, Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган рўйхатга кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида устама ҳақ тўланади. Устама ҳақлар, тайинланаётган пенсиянинг туридан қатъи назар, кўшиб ҳисобланади. Пенсия сўраб мурожаат этган шахсларга I гуруҳ уруш ногирони ёки II гуруҳ уруш ногирони сифатидаги устама ҳақ билан бирга, ҳарбий хизмат ёки ички ишлар органларидаги хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ равишда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналарига ва қайта никоҳдан ўтмаган бева хотинлар (бева эрлар), Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари учун, ёшидан қатъи назар, имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга артистлар ёки театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимларига, театр ва мусиқа санъати ижодий ходимларини тайёрловчи таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, концертмейстерлари учун белгиланган устама ҳақлардан бири кўшиб ҳисобланиши мумкин.

Бундан ташқари, мавсумий ишчиларнинг пенсияларини ҳисоблаш тартибига аниқлик киритилди. Эндиликда, мавсумий ишларда банд бўлган ходимларга пенсия тайинлашда пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқиш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи, ишда мавжуд танаффуслардан қатъи назар, меҳнат фаолиятининг охириги ўн йили ичидан исталган кетма-кет келувчи беш мавсуми бўйича

(пенсия сўраб мурожаат қилган шахснинг танлови бўйича) ҳисобланган иш ҳақининг умумий миқдорини 60 га бўлиш орқали аниқланади. Яъни, мавсумий ишларда банд бўлган шахслар пенсиясининг миқдорини ҳисоблаш учун меҳнат фаолиятининг исталган кетма-кетликдаги беш йиллик даври ичидаги иш ҳақига оид маълумотни тақдим этиши мумкин. Бошқа ходимлар учун мазкур беш йиллик муддат охириги ўн йил кесимида олинади. Киритилган ўзгартишларга кўра, мавсумий ишларда банд бўлган шахслар пенсия тайинлаш муносабатлари доирасида бошқа шахсларга тенглаштирилмоқда.

Эндиликда, 2015 йил 1 январдан бошлаб мавсумий ишларда банд бўлган шахслар учун пенсия охириги ўн йил кесимидаги исталган беш йилда олинган иш ҳақи бўйича аниқланади.

Шунингдек, пенсия соҳасидаги ислоҳотлар доирасида ўтган давр учун пенсия тўлаш тартиби такомиллаштирилди. Унга кўра, пенсионерга ҳисоблаб чиқилган, лекин у ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули пенсия олиш мақсадида мурожаат этилганидан аввалги 12 ойдан ошмаган давр учун тўланади. Илгари бу муддат 3 йилни ташкил этган эди.

Шу билан бирга, пенсия тайинловчи ёки уни тўловчи органнинг айби билан ўз вақтида олинмай қолган пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўланади. Шунингдек, пенсионер вафот этгани боис олинмай қолган пенсияни тўлаш ва дафн этиш учун нафақа бериш тартибига ўзгартишлар киритилди. Уларга кўра, 2015 йил 1 январдан бошлаб пенсионер вафот этган тақдирда, унинг оиласига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга тўланадиган дафн этиш нафақаси энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида белгиланди.

Ҳозирги вақтда ўрта махсус таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи давлатимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Бу масалани ҳал қилишда бевосита Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартда қабул қилинган «Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашни такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

2015 йилдан бошлаб коллеж битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташлари ва иш билан таъминланиши такомиллашти-

рилган тизим асосида амалга оширилмоқда. Илгари уларни ишга жойлаштиришда уч томонлама шартнома тузилган бўлса, эндиликда тўрт томонлама, яъни коллеж, корхона, битирувчи ва ҳокимият ўртасида тузилмоқда.

Янги иш ўринлари яратиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун янада фаровон ҳаёт шароитларини таъминлаш – давр талаби. Шу боис, 2009 йилдан буён республика-мизда ҳар йили янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш борасида давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ижроси тегишли органлар томонидан таъминланмоқда. Шу жиҳатдан, 2015 йилда республика миқёсида 748,7 мингта янги иш ўрни яратилгани, уларнинг 60,2 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келгани эътиборлидир.

2016 йилда ҳам янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш борасида Давлат дастури қабул қилинган бўлиб, унда бир миллионта иш ўрни ташкил этилиши назарда тутилган. Ушбу дастурда меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг асослантирилган ҳолда баҳолангани, барча ҳудудлар учун касбларга бўлган эҳтиёжлар аниқлаштирилгани, таълим муассасаларининг битирувчилари, аёллар, кам таъминланган, имконияти чекланган, вақтинча ишсизларни иш билан таъминлаш имкониятларини аниқлаштиришга ёрдам беради.

Иш ўринлари яратиш янги объектларни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги технологиялар билан қайта жиҳозлаш, ишламаётган корхоналар фаолиятини биринчи навбатда sanoatда, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида тиклаш, инфра-тузилма, коммуникация ва уй-жой объектлари қурилиши ҳажмини ошириш ҳисобидан, хусусий ва оилавий тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжалиklarини ривожлантириш ҳамда касаначилик меҳнатининг имкониятларини кенгайтириш орқали амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Албатта, меҳнат муносабатлари мавжуд экан, меҳнат низолари келиб чиқиши табиий. Бироқ тегишли суд амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бу низоларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиниши кўпинча корхона ва ташкилотларда яқка тартибдаги меҳнат низолари комиссиялари фаолиятининг ташкил этилиш даражасига, улар ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорларнинг мансабдор

шахслар, иш берувчилар томонидан ўз вақтида ижро этилишига бевосита боғлиқ.

Бу ўринда, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан 2015 йил 15 январда қабул қилинган «Якка меҳнат низолари комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш юзасидан тавсиялар»нинг тасдиқланиши ҳам жуда катта аҳамият касб этади.

Ушбу тавсиялар корхона, муассаса ва ташкилотларда якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқишнинг ягона амалиётини шакллантириш, низоларни ҳал қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссиялар тузиш, меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиби, комиссия томонидан кўриб чиқилган низо бўйича қарор қабул қилиш ва уни бажаришга доир тавсияларни қамраб олган.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат низоларининг бундай комиссиялар томонидан кўриб чиқилиши судгача бўладиган жараён дир. Демак, иш берувчи билан ходим ўртасида вужудга келган низоларнинг бундай тартибда ҳал қилиниши иккала томон учун ҳам бир қатор афзалликлар беради. Чунончи, томонлар фуқаролик судларида даъво аризаларини кўриб чиқишга кетадиган вақтларини ҳамда апелляция ва кассация инстанциялари судларида ишни кўриб чиқиш учун ортиқча сарф-харажатлардан ўзларини сақлайдилар.

Амалдаги меҳнат қонунчилигига кўра, якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссиялар тегишли масалаларнигина кўриб чиқиш ваколатга эга.

Ҳозирги даврда республикада корпоратив ҳуқуқий муносабатларни иқтисодиётнинг турли соҳаларида қўллашни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва унга асосан 2016 йил 11 мартда қабул қилинган «Корпоратив бошқарув кодекси» ушбу муносабатларни янада ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлди. Демак, халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий меҳнат муносабатларини ташкил этиш ва ҳуқуқий тартибга солиш жуда муҳим. Эндиликда, акциядорлик жамиятлари фаолиятига чет

эллик юқори малакали менеджерлар ишга таклиф этилиши ва уларга тўланадиган иш ҳақи энг кам иш ҳақининг 30 баробари миқдориди белгиланди.

Ҳозирги кунда республикаимиз парламенти мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини тадрижий изчилликда ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш фаолиятини давом эттирмоқда. Жумладан, шу каби қонун ҳужжатларидан бири бу янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунидир. 1993 йилда қабул қилинган ушбу қонун меҳнат муҳофазасининг самарали тизимини яратиш ва уни аҳолининг ҳаёти, соғлиғи устуворлигидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Республикаимиз мустақил бўлганидан кейин ўтган 25 йиллик тарихан қисқа даврда давлатимиз иқтисодиётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, саноат ишлаб чиқаришини модернизация ва диверсификация қилиш, илм-фаннинг охириги ютуқларига асосланган ҳолда инновацион технологияларни жорий этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Бу эса ҳозирги даврда корхона ва турли мулк шакллари асосида хўжалик фаолияти юритувчи ташкилотларда меҳнатни янгича, замонавий талабларни инобатга олган ҳолда муҳофаза этишни талаб қиляпти.

Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги Президентимиз маърузалари асосида 2010 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси», Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги ва 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимлардаги маърузалари, 2015 йил 16 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2014 йилдаги натижалари ва 2015 йилга мўлжалланган муҳим йўналишлар бўйича иқтисодий дастурнинг қабул қилиниши, 2015 йил 23 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган масалалар, 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий методларини жорий қилиш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги фармонлари ва унга асосан, 2016 йил 11 мартда қабул қилинган «Корпоратив бошқарув кодекси», 2015 йил 15 майда қабул қилинган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни янада ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва 2015 йил 20 августда унга асосан қабул қилинган 391-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлида тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун, 2016 йил 25 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 405-сонли қонун Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги фармонлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Янги таҳрирда ишлаб чиқилган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро конвенцияларини 2014-2016 йилларда амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан миллий меҳнат қонунчилигига мувофиқ келадиган янги қонун ҳужжатини тайёрлаш вазифаси қўйилган эди. Янги таҳрирдаги ушбу қонун лойиҳасининг 2016 йил 24–25 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида маъқулланганлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Диққатга сазовор томони, янги таҳрирдаги ушбу қонунда охириги пайтларда қабул қилинган «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрирда), «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги, «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонун нормалари ҳам ўз аксини топган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МЕХНАТ КОДЕКСИГА КИРИТИЛГАН ЯНГИ НОРМАЛАР

Мехнат кодексининг 16-моддасига кўра ходимнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Унга асосан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, ҳаққоний меҳнат шартлари асосида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир ходим ўз меҳнати учун қонун ҳужжатларида меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланганидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқ ёлланма меҳнат муносабатларида иштирок этадиган барча тоифалардаги фуқароларни қамраб олади. Жумладан, ёлланиб ишлайдиган шахслар ҳам ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олишга ҳақлидирлар. Муддатлар чегараси белгиланган иш вақти белгилаш, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартириш, ҳар ҳафталик дам олиш, байрам кунлари, шунингдек, ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار бериш орқали таъминланадиган дам олиш кунини берилади. Хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, иш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига ёки мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш таъминланади. Уларга Касаба уюшмаларига ҳамда ходимлар ва меҳнат жамоаларининг манфаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқини берилади.

Қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисидан жудо бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш, ўзининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан суд орқали ҳимоя қилиш ва малакали юридик ёрдам олиш кафолатланади. Ходимлар жамоаларга доир меҳнат низолаарида ўз манфаатларини қувватлаш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ўзгаришлар Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган 352-сонли қонуни таҳририда мустаҳкамланган.

Ишсизлик ўн олти ёшдан то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ҳақ тўланадиган ишга ёки даромад келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш

таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлаш, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли шахслар (бундан таълим муассасаларида таълим олаётганлар мустасно).

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган, ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва улар томонидан иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган шахслар ишсиз деб эътироф этилади. *(Ўзбекистон Республикасининг 07.10.2013 й. ЎРҚ-355-сонли қонунининг 60-моддаси)*

Биринчи марта иш қидираётган, касби (мутахассислиги) бўлмаган шахслар учун дастлабки касб тайёргарлиги талаб қилмайдиган иш, бундай ишни топиб бериш имконияти бўлмаган тақдирда, уларнинг ёки бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳақ тўланадиган бошқа иш, жумладан вақтинчалик иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланади.

Ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахслар учун уларнинг касб тайёргарлигига мос, ёши, соғлиғи ҳолати, меҳнат стажи ва аввалги мутахассислиги бўйича тажрибасини, янги иш жойининг транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлигини инобатга олувчи иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланади.

Меҳнат кодексининг 65-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ишсизлик нафақасини олиш даври тугаганидан сўнг касб (мутахассислиги) бўйича иш топиб бериш мумкин бўлмаган тақдирда, ишсиз шахснинг қобилияти, унинг соғлиғи, олдинги иш тажрибаси ва унинг учун қулай бўлган ўқитиш воситаларини инобатга олган ҳолда касбини (мутахассислигини) ўзгартиришни талаб қиладиган иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланиши мумкин. *(Ўзбекистон Республикасининг 07.10.2013 й. ЎРҚ-355-сонли қонуни таҳририда Меҳнат кодексининг 61-моддасининг учинчи қисми)*

Агар ходимнинг иши яшаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлса, таклиф этилган иш доимий яшаш жойидан анча узоқ бўлса ва транспортда қатнаш жиҳатдан ноқулай бўлса, иш жойининг транспортда қатнаш жиҳатдан қулайлиги, яъни йўл қўйилиши мумкин бўлган узоқлиги мазкур жойдаги жамоат транспорти тармоғининг ривожланганлиги ҳисобга олинган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан белгиланади.

Таклиф этилган ишни рад этиш, ишсиз шахснинг соғлиғига, унинг ёши ва бошқа узрли сабабларга кўра мавжуд монеликларга асосланган бўлса, бундай иш мақбул келадиган иш ҳисобланиши мумкин эмас. (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 63-моддаси)

Ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланади.

Қармоғида учтагача киши бўлган, 35 ёшга тўлмаган ишсиз эркакка ишсизлик нафақаси у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган тақдирда тайинланади.

Ишсиз шахснинг нафақа олиш ҳуқуқи у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб кечи билан ўн биринчи кундан эътиборан кучга киради. Ишсизлик нафақаси кўпи билан ишдан, иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсга ўн икки ойлик давр мобайнида йигирма олти календар ҳафта, илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсга эса ўн уч календар ҳафта мобайнида тўланади.

Ишсизлик нафақасини олиш даврида иш қидириши ва ҳар ёки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органига ишга ёки касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга, малакасини оширишга йўлланма олиш учун мурожаат қилиши шарт. (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 65-моддаси учинчи қисми)

Ишсизлик нафақасининг миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Судьялик лавозимига сайланган ёки тайинлангани туфайли ишдан озод қилинган ходимларга ваколати тугаганидан кейин судьялик лавозимига сайланиши ёки тайинланишига қадар эгаллаб турган аввалги иши, лавозими берилади. Бундай иш, лавозим мавжуд бўлмаганида эса, аввалгисига тенг бошқа иш, лавозим берилади. (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 69¹-моддаси)

Меҳнат кодексининг 84-моддасига асосан, ишга қабул қилишда дастлабки синов масалалари белгиланган. Унга кўра, меҳнат шартномаси қўйидаги мақсадда дастлабки синов шarti билан тузилиши мумкин, яъни ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш ва ходим меҳнат шартномасида шартлашилган

ишни давом эттиришининг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келишини назарда тутган ҳолда.

Дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади.

Ҳомиладор, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойи (квота) ҳисобидан юборилган шахслар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим муассасаларини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилар ишга қабул қилинганда, шунингдек, ходимлар билан олти ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилиб, ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди. (*Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддаси учинчи қисми*)

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда, ходим иш берувчидан меҳнат шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақлидир. Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақидаги аризаси берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай иш берувчи томонидан кўриб чиқиши керак. Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақидаги талаблари рад этилган тақдирда иш берувчи унга бунинг сабабини ёзма равишда маълум қилиши керак. Ходимга унинг талабларини рад этиш сабабларини маълум қилмаслик ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш рад этилганлиги хусусида шикоят қилиши учун тўсиқ бўла олмайди. (*Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 90-моддаси учинчи қисми*)

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ваколатига эга шахслар томонидан амалга оширилади ва буйруқ билан расмийлаштирилади. Охирги иш куни меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

Иш берувчининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари Меҳнат кодексининг 87, 89, 97, 100, 105, 106-моддалари таърифига ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутувчи бошқа норматив ҳужжатлар таърифига тўла мувофиқ ҳолда ёзилиб, ушбу кодекснинг ёхуд бошқа норматив ҳужжатларнинг тегишли моддаси (банди) асос қилиб кўрсатилади.

Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан унинг касаллиги, ногиронлиги, ёшга доир пенсияга чиқиши, олий ёки ўрта

махсус, касб-ҳунар ўқув юрти ёхуд катта илмий ходим-изланувчилар институтига қабул қилиниши ва қонун ҳужжатларига кўра муайян имтиёз ва афзалликлар бериладиган бошқа сабаблар туфайли бекор қилинганда меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқда ушбу сабаблар кўрсатилади, *(Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 107-моддаси тўртинчи қисми)*

Муайян давр учун белгиланган меҳнат нормаси ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик иш ҳақи қонун ҳужжатларида меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмас. *(Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 155-моддасининг биринчи қисми)*

Бир неча касбда (лавозимда), ўриндошлик асосида ишлаганлик учун хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги учун ходимларнинг иш ҳақи миқдори меҳнат шартномаси тарафлари ўртасидаги келишувга кўра белгиланади. *(Ўзбекистон Республикасининг 07.10.2013 й. ЎРҚ,-355-сонли қонуни таҳририда Меҳнат кодексининг 160-моддаси)*

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг, шунингдек давлат грантлари бўйича таълим олган олий таълим муассасаларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилар билан меҳнат шартномаси тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтганига қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганда иш берувчи бу ҳақда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши шарт. *(Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 247¹-моддаси)*

Ишлаб чиқариш ёки педагогик фаолиятни илмий иш билан бирга қўшиб олиб бораётган шахсларга докторлик диссертациясини яқунлаш, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар ёзиш учун асосий иш жойида ўртача ойлик иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда ижодий таътиллар берилади. *(Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 258-моддасининг биринчи қисми)*

Ижодий таътиллар бериш тартиби ва уларнинг муддатлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади. Таъкидлаш керакки, 2015 йил 20 августида қабул қилинган 391-сонли қонунга асосан Меҳнат кодексининг 15 ва 74-моддаларига тегишли ўзгартиш ва

қўшимчалар киритилди. Бу ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги фармонида кўра хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Меҳнат кодексининг 15-моддаси 4-банд билан тўлдирилди. Унга биноан, эндиликда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимлар ёллайдиган яқка тартибдаги тадбиркорлар меҳнат ҳуқуқи субъектлари тоифасига киритилди. Ҳозирги пайтда, яъни 2016 йил 1 август ҳолатига кўра, республикада 7 мингдан ортиқ фуқаро хусусий тадбиркорлик фаолиятида ёлланма меҳнат асосида ишлаб келмоқда.

Меҳнат кодексининг 74-моддаси 5-бандига киритилган ўзгартиш ҳам хусусий тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, унда меҳнат шартномасини тузиш пайтида ишга қабул қилувчининг имзоси муҳр билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланади деб белгиланди.

2016 йил 25 апрелда қабул қилинган 405-сонли қонунга асосан Меҳнат кодексининг 80-моддаси 4-банд билан тўлдирилди. Унга кўра, ишга кираётган шахснинг паспорти ҳақиқий бўлмаса, вақтинча ёки доимий пропискада ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаса, ишга қабул қилиш рад этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОМОНИДАН РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Халқаро Меҳнат Ташкилотига 1992 йил 13 июлда аъзо бўлган. Ҳозиргача бу ташкилотнинг 13 та конвенциясини ратификация қилинди. 1919 йилда таъсис этилган Халқаро Меҳнат Ташкилоти 1946 йилдан буён БМТнинг махсус тузилмаси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги пайтда унга 180 дан ортиқ давлат аъзо. Деярли бир аср давомида фаолият кўрсатиб келаётган бу нуфузли ташкилот томонидан 190 дан ортиқ конвенция ва 200 дан ортиқ тавсиялар қабул қилинган. Умуман олганда, мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича халқаро миқёсда қабул қилинган қоида ва нормаларни тан олиш, уларни миллий қонунчилигимизга тадқиқ этиш соҳасида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Бу ишлар натижасида 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар ратификация қилинган.

Бир қатор халқаро ташкилотларнинг хулосаларига кўра, Ўзбекистонда болалар меҳнатининг энг оғир шакллари, меҳнат муносабатларида уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бу йўналишда республикамиз ҳукумати олиб бораётган фаолиятига ижобий баҳо берилди. Мамлакатимизда фуқароларнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари халқаро стандарт мезонларига тўғри келади ва бу муносабатларга оид қатор халқаро ҳуқуқ нормалари миллий қонунчилигимизга имплементация қилинган.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти норматив ҳужжатларининг меҳнатни халқаро-ҳуқуқий тартибга солишда қўшган асосий ҳиссаси шундан иборатки, улар инсон ҳуқуқларининг макетини шакллантирди. Бу ҳуқуқлар ҳар бир ривожланган мамлакат қонунчилигида акс эттирилиши шарт.

1966 йилги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенция ва тавсияларида белгилаб қўйилган ҳуқуқлар инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлашда ўта муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида ходимларнинг асосий ҳуқуқлари меҳнат соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда эълон қилинган халқаро стандарт-

лардан келиб чиқади. Зеро, Конституциямизда умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Ёлланиб ишлайдиганлар ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олишга ҳақлидирлар. Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Меҳнат қонунчилигида ходимларнинг асосий ҳуқуқлари аниқ кўрсатиб берилган бўлиб, бир қатор ҳолатларда улар халқаро стандартларга нисбатан бирмунча имтиёзли хусусиятга эга. Жумладан, ходим меҳнатига Ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича қонунда ўрнатилганидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ олиш ҳуқуқи энг кам иш ҳақиға оид халқаро қоидаларга мос келади. Ушбу ҳуқуқ ёлланиб ишлайдиган ходимларнинг барча гуруҳларини қамраб олган. Энг кам иш ҳақини белгилаб бериш ҳамда вақти-вақти билан уни қайта кўриб чиқишга имкон берадиган махсус тартиб яратилган.

Хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларида меҳнат қилиш ҳуқуқи ушбу соҳада мақсадли миллий давлат сиёсати ўтказилиши орқали таъминланади. Фуқароларнинг касбий тайёргарлиги, қайта тайёрланиши ва малака ошириши касб таълими тизими орқали амалга оширилади. Ушбу тизим ёшлар ва катталарнинг бутун ҳаётлари мобайнида, иқтисодиёт секторларида, иқтисодий фаолиятнинг барча соҳалари ва малака ҳамда масъулият даражаларида касбий тайёргарликка бўлган эҳтиёжларни қондириш талабига жавоб беради. Амалдаги меҳнат қонунчилигига асосан, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси касаба уюшмаси қўмитасининг розилиги олингандагина иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Ходимнинг соғлиғи ёки мулкига хизмат вазифаларини бажариш чоғида етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқи иш берувчининг мажбурияти сифатида қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилди.

Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан жудо бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг

«Ижтимоий таъминотнинг минимал нормалари тўғрисида»ги 102-сонли конвенциясида назарда тутилганидек, ходимларни давлат томонидан мажбурий тартибда ижтимоий суғурталаш орқали амалга оширилади.

Дам олиш ҳуқуқи иш вақти муддатини чегаралаш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари ва ҳар йиллик меҳнат таътиллари бериш орқали таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Халқаро Меҳнат ташкилотининг «Ҳафта давомидаги иш вақтини 40 соатгача қисқартириш тўғрисида»ги 47-сонли конвенциясини ратификация қилди. Бу билан меҳнаткашларнинг турмуш даражаси пасайиб кетмаслигини таъминлаган ҳолда, ходимлар иш вақтининг нормал муддати **ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги** принципини маъқуллади.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Савдо-саноат палатаси ва Касаба уюшмалари федерациясининг кенгаши ўртасида тузилган бош келишувга мувофиқ 85 та тармоқ келишуви, 14 та ҳудудий келишув амал қилмоқда. Бевосита корхона ва ташкилотларда эса 98 мингга яқин жамоа шартномалари тузилган. Бу эса касаба уюшмаси аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 96,3 фоизини ташкил қилади.

Жамоа шартномаси ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари амалга оширилишини, ходимнинг мутахассислиги, малакаси ва меҳнат шартномасига мувофиқ тўлиқ бандлиги кафолатланишини, иш берувчининг Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенцияларини сўзсиз бажаришини, ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишдан олдин Касаба уюшмаси кўмитасининг розилиги олиншини, штатлар қисқартирилганда уларга бериладиган қўшимча кафолатларни, иш вақти ва дам олиш вақти нормативларининг назорат қилинишини, энг кам иш ҳақи стандартлари, кафолатли ва компенсация тарзидаги тўловлар ҳамда иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини, иш берувчи ва меҳнат жамоасининг манфаатларига хизмат қилувчи вазифаларни бажариш даврида ходимга бериладиган кафолатларни, хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларида ишлашни, хизмат вазифаларини бажариш вақтида кўрилган зарарни қоплаш ҳуқуқларини, имкониятлари чекланган шахслар, ёшлар, аёллар ва оилавий муаммолари мавжуд шахслар учун ижтимоий

кафолатлар, ходимларга бериладиган имтиёзларни таъминлашнинг муҳим воситасига айланди.

Амалдаги меҳнат қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси томонидан 2008 йилда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 138-сонли (1973 йил) ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва тугатишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги 182-сонли (1999 йил) конвенцияларининг ратификация қилиниши билан боғлиқ бўлиб, мазкур стандартларни республикамиз қонун ҳужжатларига имплементация қилишга йўналтирилди.

Аслида, Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенция уни ратификация қилган давлатларда болалар меҳнатининг батамом бекор қилинишини таъминлашга қаратилган бўлиб, унда ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшни ўсмирларнинг тўла жисмоний ва ақлий ривожланиш даражасига мос келадиган ёшгача босқичма-босқич оширишга йўналтирилган миллий сиёсатни амалга ошириш мажбурияти юклатилган, давлат ҳудудида ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш мажбурий мактаб таълимини тугаллаш учун зарур бўлган ёшдан кам бўлмаслиги кераклиги ва ҳар қандай ҳолда ўн беш ёшдан кичик бўлмаслиги белгиланган.

Конвенция қоидаларига биноан ўз хусусияти ёки амалга оширилиш шароитига кўра ўсмирнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ишга ёки ёлланма ишга қабул қилиш учун белгиланган энг кичик ёш 18 ёшдан кичик бўлмаслиги керак.

Конвенция қоидалари ҳеч бўлмаганида қуйидаги соҳаларда қўлланилиши лозим, шахта ва карьерлар, ишлов бериш саноати, қурилиш, электр, газ, сув таъминоти, санитария-техник, транспорт, омборлар ва алоқа хизматларида, корхоналар, тижорат мақсадлари учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги ишларда, аммо маҳаллий истеъмол учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган, доимий равишда ёлланма меҳнаткашлардан фойдаланмайдиган кичик хўжаликлар бундан мустасно ҳисобланади.

Миллий қонун ҳужжатларига асосан, камида 15 ёшда бўлган, лекин мажбурий ўрта мактаб таълимини тугалламаган шахсларга, қуйидаги талабларга риоя этиш шарти билан, яъни уларнинг соғлиғи

ва ривожланиши учун зарарли бўлмаса, мактабга қатнашига, уларнинг ваколатли ҳокимият органлари томонидан тасдиқланган касбга йўналтириш ёки касбий тайёргарлик дастурларида иштирок этишларига ёки уларнинг олган ўқув машғулотларидан фойдаланиш лаёқатига зарар етказмайдиган бўлса, уларнинг доимий ёки мавсумий тартибда ёлланиб ишлашига рухсат берилиши мумкин.

Ушбу конвенциянинг мантиқий давоми ҳисобланган Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва тугатишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенция эса уни ратификация қилган давлатларга болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва тугатишни таъминловчи самарали чора-тадбирлар кўриш мажбуриятини юклайди.

Конвенция мақсадлари учун «бола» атамаси 18 ёшгача бўлган барча шахсларга қўлланилади, яъни бажариш хусусиятлари ёки шароитига кўра болалар соғлиғи, хавфсизлиги ва маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ишлар назарда тутилади. Бундай иш турлари миллий қонун ҳужжатлари билан ёки ваколатли ҳокимият органи томонидан белгиланади, мунтазам таҳлил қилиб борилади ва заруратга қараб меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашиб, қайта кўриб чиқилади. Конвенция, уни ҳаётга татбиқ этадиган қоидалар қўлланилиши устидан назоратни юритиш учун тегишли механизмларни яратиш орқали амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг халқаро мажбуриятларига содиқлигини эътироф этиб, соҳага оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш йўлидан бормоқда. Хусусан, «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида», «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида», «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», шунингдек Меҳнат кодексига ва «Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан, умумтаълим муассасаларининг битирувчиларини, одам савдоси жабрдийдаларини, меҳнат бозорида тенг рақобат шароитига эга бўлмаган бошқа шахсларни ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатлар бериш тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Ҳозирги пайтда, «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда ишлаб чиқилмоқда.

Меҳнат кодексида ишга қабул қилиш учун минимал ёш 16 ёш қилиб белгилаб қўйилган. Истисноли ҳоллардагина 15 ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади. Иш берувчилар 18 ёшга тўлмаган ишловчи ёшларга ишни ўқиш билан қўшиб олиб боришлари, меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун имтиёзли шароитлар яратишлари учун тегишли чоралар кўришлари, яъни меҳнатни муҳофаза қилиш, жумладан, хатарли ишларга жалб қилмаслик мақсадида қатъий меъёрлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2012 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенцияни ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва тугатишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги конвенцияни 2012–2013 йилларда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги 82-сонли ҳамда 2014 йил 27 майдаги «Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини 2014–2016 йилларда амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 132-сонли қарорлари қабул қилиниб, соҳада давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар мажмуи тасдиқланди.

Болалар меҳнатининг оғир шакллариغا йўл қўймаслик бўйича давлат институтларининг тизими вужудга келтирилди. Чунончи, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича махсус комиссия Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бошчилигида фаолият кўрсатмоқда. Болаларнинг жамиятдаги аҳволига доир барча масалалар, жумладан болалар меҳнатининг оғир шакллариغا йўл қўймаслик масалалари ушбу комиссия ваколатига киритилди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги тизимида меҳнат бўйича ҳуқуқий инспекциялар ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича инспекциялар самарали фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан меҳнат қонунчилиги бузилмаслиги устидан давлат назорати амалга оширилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 мартдаги қарори билан Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Респуб-

ликаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини бажариш юзасидан ахборот тақдим этувчи идоралараро ишчи гуруҳи ташкил этилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенцияларининг расмий матнлари инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларида, Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенцияларининг расмий матни эса асосан инглиз ва француз тилларида қабул қилинади. Шу сабабли, уларнинг матнлари мутахассислар томонидан норасмий таржима қилинади ва юридик адабиётларда фойдаланилади.

Бажариш хусусиятлари ёки шароитига кўра болалар соғлиғи, хавфсизлиги ва маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ишлар (бундай иш турлари миллий қонун ҳужжатлари билан ёки ваколатли ҳокимият органи томонидан белгиланади) мунтазам таҳлил қилиб борилади ва заруратга қараб меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашган ҳолда қайта кўриб чиқилади. Конвенция уни ҳаётга татбиқ этадиган қоидалар қўлланилишини назорат қилиш учун тегишли механизмлар яратиш орқали бажарилиши лозим.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат вазирлиги тизимида меҳнат қонунчилиги бузилмаслиги устидан давлат назоратини амалга оширувчи меҳнат бўйича ҳуқуқий инспекциялар ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича инспекциялар самарали фаолият кўрсатмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 мартдаги қарори билан Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини бажариш юзасидан ахборот тақдим этувчи идоралараро ишчи гуруҳ ҳам ташкил этилган бўлиб, ҳозирги вақтда ўз фаолиятини доимий равишда давом эттирмоқда.

ХУЛОСА

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда меҳнат муносабатлари соҳасида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бандлик масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш, айниқса ёшлар, аёллар, ногиронлар бандлигини етарли даражада таъминлаш, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича алоҳида йўналишдаги ишлар амалдаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида собитқадамлик билан олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мустақилликнинг илк йилларидан ҳозирги давргача чоп этилган асарларида сиёсий-иқтисодий, халқаро ишлар, ташқи сиёсат ва барча бошқа соҳалар бўйича берилган тегишли фикр-мулоҳазалари, талаб ва тавсиялари тегишли давлат дастурлари, қонунлар ва фармонлар асосида тадрижий равишда амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш керакки, меҳнат ҳуқуқи бошқа ҳуқуқ соҳалари сингари доимий ривожланишда бўлади. Шу сабабли, меҳнат қонунчилиги нормаларининг замон талабларига жавоб берадиган тарзда такомиллаштириб борилиши динамик хусусиятга эга жараёндир.

Шу ўринда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2014 йил 27 майда қабул қилинган 132-сонли қарорга асосан меҳнатга оид халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар белгиланганлиги, шубҳасиз, яқин келажакда ижобий натижаларини беради.

Албатта, бу йўналишда амалга оширилиши ва ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор масалалар орасида қуйидагилар алоҳида эътиборга моликдир:

– ишлаб чиқаришни модернизациялаш, технологик жиҳатдан реконструкция қилиш ва мавжуд шарт-шароитларни яхшилаш, техника хавфсизлиги, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича замонавий талаблар жорий этилишини инобатга олган ҳолда, 18 ёшдан кичик бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган, улар учун меҳнат шароитлари ноқулай бўлган амалдаги ишлар рўйхатини унификация қилиш;

– касб-ҳунар коллежлари, таълим муассасалари битирувчиларининг корхоналарга олдиндан бириктириб қўйилишини доимий равишда ташкил қилиш;

– 2014–2016 йилларда Ўзбекистон Республикасининг “Муносиб меҳнат бўйича давлат дастури”да белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш борасида ваколатли давлат органлари томонидан тегишли назорат ишларини амалга ошириш.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муносабатларини замон талаблари ва жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 48 б.

Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.

Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият // Халқ сўзи. – 2014. – 8 дек.

Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январдаги қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2015. – 24 янв.

Иноятов А. А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ уйи, 2002. – 384 б.

Икрамов Ш. Т. Асосий мақсадимиз – она юртимиз бахт иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қиладиган етук кадрлар тайёрлаш // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2016. – № 1. – Б. 3–7.

Раҳманкулов Х. Р., Гулямов С. С. Корпоративное право: Учебник. – Т.: ТГЮИ, 2004. – 707 с.

Матмуротов Б. Қонунларни ижрочиларга ва аҳолига етказиш, бу борадаги миллий тажрибани такомиллаштириш масалалари // Нуқуқ ва вуч. – 2015. – № 11. – Б. 7–11.

Усманова М. Ижтимоий таъминот: унга оид халқаро ҳужжатлар // Нуқуқ ва вуч. – 2014. – № 11. – Б. 57–59.

Сатторова Г. Халқаро меҳнат стандартлари ва Ўзбекистон қонунчилиги // Нуқуқ ва вуч. – 2014. – № 7. – Б. 30–32.

Корпоратив бошқарув кодекси // Халқ сўзи. – 2015. – 11 март.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Меҳнат муносабатларига оид қонун ҳужжатларига киритилган янги нормалар.....	5
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига киритилган янги нормалар.....	15
Меҳнат ҳуқуқига оид Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар	21
Хулоса	28
Адабиётлар рўйхати	31

Вали Эргашевич Умаралиев,

юримдик фанлар номзоди, доцент

МЕХНАТ ҚОНУНЧИЛИГИГА КИРИТИЛГАН ЯНГИ ХУҚУҚИЙ НОРМАЛАР

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Муҳаррир М. Э. Султонова
Техник муҳаррир Д. Р. Джалилов

Босишга рухсат этилди 26.08.2016. Нашриёт ҳисоб табағи 3,0.
Адади 20 нусха. Буюртма № Баҳоси шартнома асосида

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.